# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 28 август, № 177 (9348) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

## АМЕРИКАДАГИ ВАТАНДОШЛАРДАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА МАКТУБ:

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ЎЗ МУНОСИБ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

**Ватанимиз Мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига АҚШ ва Канадада яшаётган ватандошларимиздан мактуб келди.**

Давлатимиз раҳбарига йўлланган ушбу мурожаат **“Vatan Global Alliance” жамияти раиси Озод Солиев, Ўзбекистон халқ артистлари — Эзро Малаков ва Муҳаббат Шамаева, Филадельфиядаги “Ватан” жамияти раиси Садулло Аҳмедов, Нью-Йоркдаги “Ватан” жамияти раиси Бахтиёр Қодиров** ҳамда **Америкада яшаб турган 500 нафар ватандошимиз** томонидан имзоланган.

Қуйида мурожаат матни тўлиқ ҳолда ҳавола этилади.

**“Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Биз, Америка Қўшма Штатлари ва Канадада яшаётган ватандошларингиз, Сизга чуқур ҳурмат ва самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, ушбу Мурожаатни йўлламоқдамиз.

Яқинда Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” китобининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар биз учун океан ортида яшаб, қалбан Ватан билан ҳамнафас бўлган ватандошларни бир мақсад ва бир туйғу атрофида жамлаган муҳим маънавий воқеага айланди.

“МИЛЛАТ ШАВКАТИ” китобида тасвирланган Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти йўлидаги кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тобора юксалиб бораётган нуфузи ҳақидаги фикрлар ватандошларимизда катта қизиқиш ва мамнуният уйғотди.

Тақдимотлар давомида билдирилган самимий фикрлар, Ватанимизда кечаётган ўзгаришларга бўлган юксак қизиқиш ва ватандошларимиз қалбидаги фахр туйғуси бизга яна бир ҳақиқатни кўрсатди: океанлар ва минглаб чақирим масофалар бизни Ватандан ажрата олмайди. Қаерда яшамайлик, барчамизни бирлаштириб турадиган ягона ва азиз Ватан — Ўзбекистондир!

**Муҳтарам Президент!**

Сизнинг раҳбарлигингизда бугун мамлакатимиз ўз сўзи, қатъий позицияси, очиқ сиёсати ва аниқ тараққиёт мақсадларига эга бўлган давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Биз, хорижда яшаётган ватандошлар, бу ўзгаришларни, айниқса, яққол ҳис қилмоқдамиз.

Бир вақтлар чет элларда, хусусан, Америка Қўшма Штатлари ва Канадада истиқомат қилаётган ватандошлар учун Ватанга бориш, ўз яқинлари билан дийдорлашиш, Ўзбекистон билан эркин ва яқин муносабат ўрнатиш турли қийинчиликлар билан боғлиқ эди.

Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Сиз бошлаб берган очиқлик ва халқпарварлик сиёсати туфайли хориждаги ватандошларга бўлган муносабат янги босқичга кўтарилди. Улар билан мулоқот қилиш, уларни эшитиш, Ватан билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва уларнинг билим, тажриба ҳамда имкониятларини Ўзбекистон тараққиётига жалб этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилаётгани бизга алоҳида ғурур ва мамнуният бағишламоқда.

Сизнинг АҚШ Президенти Дональд Трамп билан олиб бораётган бевосита ва ишончли мулоқотингиз, олий даражадаги учрашув ва телефон суҳбатлари, шунингдек, АҚШ ҳукумати, Конгресси ва ишбилармон доиралари билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик Ўзбекистонга нисбатан Америкадаги эътиборнинг тобора ошишига хизмат қилмоқда.

Бугун икки давлат ўртасида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда янги имкониятлар очилаётганини кўриб турибмиз.

**Муҳтарам Президент!**

Сиз олиб бораётган сиёсат бизга нафақат янги имкониятлар яратмоқда, балки зиммамизга катта масъулият ҳам юкламоқда.

Биз хорижда яшаб, Ўзбекистондаги жараёнларни фақат кузатиб турувчи инсонлар бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз ҳозир яшаб турган мамлакатларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўлишимиз, Ватанимизнинг ҳақиқий қиёфасини кенг жамоатчиликка етказишимиз, унинг манфаатларини қўллаб-қувватлашимиз ҳамда Ўзбекистон билан дунё мамлакатлари ўртасида янги дўстлик ва ҳамкорлик кўприкларини қуришимиз зарур.

“Vatan Global Alliance” жамияти Америка Қўшма Штатлари ва Канадада яшаётган ватандошларимизни бирлаштириш, уларнинг интеллектуал, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини умумий эзгу мақсадлар атрофида жипслаштириш ҳамда Ўзбекистон билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Биз АҚШ Конгресси аъзолари, жумладан, конгрессменлар — Брайан Фитцпатрик, Брэндон Бойл, шунингдек, штат ва шаҳарлар даражасидаги давлат ва жамоат арбоблари, губернаторлар ва мэрлар идоралари, ишбилармон доиралар ҳамда турли миллат ва жамоалар вакиллари билан алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз Америка, Канада ва бошқа давлатларда Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ гапирилишини истаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятини, халқимизнинг қадриятларини, бугунги тараққиёти ва улкан иқтисодий имкониятларини дунё жамоатчилигига янада кенгроқ танитишни истаймиз.

Биз америкалик тадбиркор ва инвесторларни Ўзбекистонга жалб қилиш, янги технологиялар, билим ва тажрибаларни Ватанимизга олиб бориш, таълим ва маданий алоқаларни кучайтириш, айниқса, хорижда улғаяётган ёш авлодни она Ватан билан мустаҳкам боғлашни ўзимизнинг муҳим вазифаларимиздан деб биламиз.

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

“МИЛЛАТ ШАВКАТИ” китобининг Америкадаги тақдимотлари яна бир муҳим ҳақиқатни намоён қилди: бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқлар океан ортида яшаётган юз минглаб ватандошларимиз қалбида ҳам акс садо бермоқда.

Ватаннинг обрўси — бизнинг обрўйимиз. Ўзбекистоннинг ютуғи — бизнинг ютуғимиз.

Ўзбекистон байроғининг дунё майдонида баланд кўтарилиши — ҳар бир ватандошимиз учун фахр ва ифтихордир.

Шу сабабли ушбу мурожаат орқали Сизга нафақат миннатдорлигимизни билдирмоқчимиз, балки бир муҳим фикрни ҳам етказмоқчимиз:

Биз Ватанимиз билан биргамиз.

Биз қўлимиздан келгунча Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Биз Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишга тайёрмиз.

Биз ўз билимимиз, тажрибамиз, имкониятларимиз, алоқаларимиз ва салоҳиятимизни Ўзбекистонимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этамиз.

Сизнинг Янги Ўзбекистонни янада кучли, фаровон, очиқ ва дунёда муносиб ўрин эгаллаган давлатга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, оилавий хотиржамлик ҳамда халқимиз ва Ватанимиз равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Мустақиллик — халқимизнинг энг улуғ неъмати, миллий ғуруримиз ва келажагимиз пойдеворидир. Бугун Янги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, халқимиз ҳаётидаги улкан ўзгаришлар ва эртанги кунга бўлган ишонч мустақиллигимизнинг нақадар буюк қадрият эканини яна бир бор намоён этмоқда. 35 йиллик қутлуғ сана барча юртдошларимизга, шу жумладан, дунёнинг турли бурчакларида яшаётган ватандошларимизга муборак бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий ва Ўзбекистонимизнинг дунёдаги мавқеи янада юксак бўлсин!”

**ЎзА.**

**Ҳуррият ҳақиқатлари**

## Самарқанд 2001 — 2003:

# МУСТАҚИЛЛИККА ИШОНЧ УЙҒОТГАН ЙИЛЛАР

**Истиқлолимизнинг 35 ёши арафасидаги ўйлар**

*Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига раҳбар бўлган давр кўз олдимдан бир-бир ўтяпти. Оғир замонлар эди. Вилоят ҳокими бўлиш бошни балоларга солиш билан баробар эди. Айниқса, Самарқанд вилоятини бошқариш ҳамма замонларда ўта мураккаб, зиддиятли, қарама-қаршиликлардан иборат бўлган. Шундай оғир пайтларда Шавкат Мирзиёев Самарқандга ўзи билан бирга қатъий сиёсий ирода, кучли бошқарув, масъулият, ишонч ва умид, меҳр ҳамда оқибатни олиб келди.*

Мустақилликка 10 йил бўлишига қарамасдан аҳвол ўта ночор, аҳоли турмуш даражаси паст, иқтисодиёт фалаж эди. Лўнда қилиб айтганда, мамлакат ҳам, аҳоли ҳам боши берк кўчага кириб қолганди. Оқибатда одамларда эртанги кунга ишонч сўнган, умид ўлганди. Бировлар ҳатто эски даврни қўмсай бошлаганди. “Мустақиллик” деган муқаддас сўзга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлганди.

Тасаввур қилиб кўринг, мустақиллик деган ниҳол экилганига 10 йил бўлса-да, на мева, на соя берса. Лекин одамлардан меҳнат талаб қилинарди. Меҳнатнинг ортидан эса ҳеч нарса келмасди.

**Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Ҳасан Нормуродов Самарқанд давлат университети талабалари билан учрашувда қуйидагиларни айтган эди:**

*— Шавкат Мирзиёев Самарқандга раҳбар бўлиб келган йилларда мамлакат миқёсида ёмон бир тенденция мавжуд эди. Бу маълум бир даврларда бирор-бир соҳани бошқарган, меҳнати сингган собиқ раҳбарларни жамиятдан узоқлаштиришдир. Бунинг натижасида қанчадан-қанча тажрибали, билимли, маҳоратли инсонлар четга чиқиб қолганди.*

2

**Акс садо**

# ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ УЙҒУНЛИГИ

*Мустақиллик нафақат давлат суверенитети тимсоли, балки у инсоннинг қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари олий мезонга айланган ҳаёт тарзини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 852 нафар шахсни афв этиш тўғрисидаги фармоннинг имзоланиши байрамнинг инсонпарварлик мазмунини янада теран ифода этди.*

Фармонга мувофиқ, 604 нафар шахс жазодан тўлиқ озод этилади, 115 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. 52 нафар шахсга тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилиб, 81 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилади. Афв этилганлар орасида 375 нафар ёш, 49 нафар аёл, 60 ёшдан ошган 37 нафар эркак, 7 нафар чет эл фуқароси ҳамда тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган 63 нафар шахс бор. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида бир инсон тақдири, уни кутаётган оила, фарзанд, ота-она ва яқинлар бор. Демак, мазкур фармон минглаб оилаларга янги эзгу ниятларга йўғрилган умид ва хотиржамликни қайтаради.

2

# КЎП ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

*Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати, юксак касбий маҳорати ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ таъсис этилган “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.*

**Эътибор**

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан эсдалик нишонларини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз эгаларига тантанали вазиятда топширди.

Улар орасида сенаторлар, Марказий сайлов комиссияси Раиси, Сенат девони, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ходимлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари бор.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан билдирилган юксак ишонч учун миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қилишларини таъкидлади.

**«Халқ сўзи».**

# ҚАРДОШЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

*Туркия Республикасининг Ҳатай вилояти ҳокими Мустафа Масатли бошчилигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташриф буюрди.*

**Учрашув**

Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Туркия томонига Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, М. Масатли самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида охирги ўн йилда Ўзбекистон тез суръатларда ривожланаётгани, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганини эътироф этди.

Меҳмон Туркиянинг Ҳатай вилоятида рўй берган зилзила оқибатларини юмшатиш ва бартараф қилишда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ёрдам

қўлини чўзганини ҳамда Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва топшириғига кўра, Арсуз туманида 306 хонадондан иборат 24 та қўп қаватли уй-жой қуриб берилганини икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва қардошликнинг ёрқин ифодаси сифатида юксак баҳолади.

2

# ТАЪЛИМ ИНФРАТУЗИЛМАСИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

**Факт ва рақамлар**

Янги Тошкентда Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университетининг янги кампуси қурилиши **2 босқич**да амалга оширилмоқда.

Кампус **40 гектар** майдонда барпо этиляпти.

Бу ерда жами **20 минг** нафар талабага мўлжалланган ўқув бинолари ва **5 минг** ўринли талабалар тураржойларини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Биринчи босқич доирасида **12 минг** ўринли **5** қаватли ўқув биноси ва замонавий лаборатория мажмуаси қурилди.

**Низомий Ганжавий мероси**га бағишланган **музей** экспозициясида ушбу буюк озарбайжон шоирининг ҳаёти ва ижоди, унинг бой маънавий мероси, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги кўп асрлик маданий ҳамда адабий алоқалар акс эттирилган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 28 август

## Самарқанд 2001 — 2003:

# МУСТАҚИЛЛИККА ИШОНЧ УЙҒОТГАН ЙИЛЛАР

### Истиқлолимизнинг 35 ёши арафасидаги ўйлар

1 *Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти раҳбари этиб тайинланган кунларидаёқ барчанинг бошини бирлаштирди. Бир мақсад атрофида жамлади. Ёши улуғ инсонлар маслаҳатига амал қилинди. Бунинг натижасида ишлар юришгандан юришди. Муқаддас қадамжолар, азиз авлиёлар қабр-мақбаралари таъмирланди, ободонлаштирилди. Ҳали одамлар фақат рўзғор ташвишлари билан банд бўлган бир даврда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Меҳнат фахрийлари, беморлар, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан хабар олиш тизими ишга туширилди. Мустақиллик эълон қилингандан кейинги ўтган ўн йил ичида биринчи марта самарқандликларнинг кўнгли хотиржам бўлди. Юзига табассум югурди. Рўзғорларига кут-барака инди. Деҳқон, ишчи-хизматчининг қадди кўтарилди. Ўшанда билганман, ҳаммаси раҳбарга боғлиқлигини, шахслар барчасини ўзгартира олишини...*

Самарқандликлар ўша кунларни ҳам, Шавкат Мирзиёевнинг меҳр-эътиборини ҳам ҳеч қачон унутмайди. Тарихда биринчи марта вилоят раҳбари мактабларга, олий ўқув юртларига, шифохоналарга шахсан борди. Ҳа, ташриф буюргани йўқ. Ҳақиқатни ўз кўзи билан кўриш, вазиятни ўзгартириш учун борди. Шавкат Мирзиёев инсонлар ҳаёти, тақдири, саломатлиги, ўқишидай муҳим масалани ҳеч кимга ишонмасди. Ўзи бориб кўриб, хулоса чиқарарди, қарор қабул қиларди.

Назаримда, Самарқанд вилоятига раҳбар бўлганларнинг ҳеч қайси бири ҳудудни Шавкат Мирзиёевдай яхши билмаса керак. У бормаган бирон-бир қишлоқ, бирон-бир маҳалла қолмаган. Шавкат Мирзиёев энг оғир ҳудудларни яхши билар, биринчи эътиборни ўша манзилларга қаратарди. У Қўшработ ёки Ургут бўладими, Булунғур ёки Пахтачими, Нурободми — ҳаммаси ҳақида батафсил маълумотга эга эди.

Шавкат Мирзиёевнинг машаққатли меҳнатлари эвазига 10 йил деганда одамларнинг кўзларида умид учқунлари пайдо бўлди. Ишонч туғилди. Одамлар раҳбарнинг шахси, салоҳияти, нималарга қодирлигини ўз кўзлари билан кўрди.

Руҳий касалликлар шифохонасига, Меҳрибонлик ёки Саховат уйларига борган раҳбарни эшитганмисиз? Мен кўрганман. Шавкат Мирзиёев бу даргоҳлардаги аянчли аҳволни шахсан ўзи бартараф этган. Оғир вазиятдаги инсонларга қўл узатган. Самарқанддаги манаман деган валламатлар ҳам биринчи раҳбарнинг иш услубига тан беришган, ҳисоблашишган.

Самарқанд вилояти шифохоналари ҳеч қандай қоғозбозликларсиз таъмирланиб, 10 йил деганда биринчи марта тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланган. Вилоятдаги қатор бинолар шифохоналар тасарруфига ўтказилган.

**Ҳамза ҲАМРОЕВ,**
**Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-ички касалликлар кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:**

*— 2003 йилда мен Каттақўрғон тумани марказий шифохонасида даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари лавозимида ишлардим. Каттақўрғонга Шавкат Мирзиёев келганлиги ҳақидаги хабарни эшитдим. Бош врач меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли шифохонага келган вилоят раҳбарини мен кутиб олдим. Салкам ярим асрлик меҳнат фаолиятим давомида борган жойида биринчи бўлиб мактаб билан шифохонани кўрган бошқа раҳбарни билмайман. Мулоқот давомида мен у кишига туман марказий шифохонасининг биноси қурилиши 20 йилдан бери тўхтаб турганлигини айтдим. Вилоят ҳокими ўша жойнинг ўзида муаммонинг ечимини топди. Бугунги Каттақўрғон тумани марказий шифохонаси биноси шу тақлид барпо этилган эди. Ушбу учрашувдан кейин Шавкат Мирзиёев менга ишонч билдириб, бош врачлик лавозимига тайинлади. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. 2001 йилгача уч юз мингга яқин аҳоли яшайдиган Каттақўрғон туманида битта эски ЭКГ аппарати бор эди. Бир кун ишласа, уч кун ишламасди. Шавкат Мирзиёев шифохонамизнинг ҳар бир бўлимига биттадан ЭКГ аппарати олиб берди. Ҳатто 20 та қишлоқ врачлик пункти ҳам ЭКГ билан таъминланди. Шифохонада биргина наркоз аппарати бўлиб, у ҳам аллақачон ишлаш муддатини ўтаб бўлган эди. У янгисига алмаштирилди. Тумандаги қатор бинолар соғлиқни сақлаш бўлимига олиб берилди. Тиббиётдаги ислоҳотлар ҳам биринчи Самарқанд вилоятидан бошланганлигини алоҳида таъкидлашни истайман...*

Мактаблар ўша даврнинг энг оғриқли нуқталари бўлган. 1991 йилдан бошлаб мактаб таъмирига давлат томонидан ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Ота-оналар эса ўзининг рўзғоридан ортмасди. Мактаблар энг қаровсиз, кераксиз биноларга айланиб борарди.

**Людмила ШУЛЬГА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

*— Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига раҳбарлик қилганида мен Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори лавозимида ишлаганман. Мен 60 йиллик ўқитувчилик фаолиятим давомида таълим-тарбия соҳасига Шавкат Мирзиёев даражасида эътибор берган раҳбарни кўрмаганман. Ўшанда мактабларимиз хароба аҳволга келганди. Ўқитувчилар, муаллимлик касбини ташлаб кета бошлаганди. Шавкат Мирзиёев ўшанда мен ишлаган мактабга келиб, узоқ суҳбатлашган. Таълимдаги муаммолар ечими ҳақида фикрларим билан қизиққан. Муаммоларни чуқур ўрганган, таҳлил қилган. Мактабимиз 860 ўринга мўлжалланганини, лекин 2000 дан зиёд ўқувчилар таҳсил олаётганини айтганимда, ёнимиздаги ҳарбий комиссариатни бошқа жойга кўчириб, унинг биносини мактабга олиб берганди. Ҳомийлар топиб, қўшимча бино таъмирланганди. Мактабга, муаллимга эътибор, ғамхўрлик Самарқанддан бошланган эди, дейишга тўла асосларим бор...*

Мактабларнинг томлари тамом бўлган, ёғингарчилик пайтида томчи ўтиши одатий ҳолга айланганди. Ўша кезларда Шавкат Мирзиёевнинг маънавий жасорати туфайли вилоятдаги мингга яқин мактабларнинг томи қайтадан ёпилди. Тарихда биринчи марта мактабларга янги мебеллар, компьютер технологиялари кириб борди. Энг муҳими, бунинг учун зарур маблағ топилди. Бу эса осон эмасди.

Назаримда, Шавкат Мирзиёев учун энг яқин инсонлар ўқитувчи, шифокор, олимлар бўлган. Ўшанда мен у кишининг мактаб ўқувчилари, талабалар, шифокорларни пахта қуллигидан қутқазиш кераклиги ҳақидаги гапларини эшитиб, тўғриси, ишонмаганман. Пахта қуллиги зулмидан халқимиз ҳеч қачон қутулмайди, деб ўйлардим. Ишонаверинг, у даврларда бу гапни айтиш у ёқда турсин, эшитишга кўрқарди одам.

Вилоят раҳбарининг олий ўқув юртига келиши, олимлар билан мулоқот қилиши, маслаҳатлашиши, фикрлашишини ҳам Шавкат Мирзиёев тимсолида биринчи марта кўрганман. Раҳбар сифатида илм-фан намояндаларидан таклиф ва мулоҳазалар сўрарди. Уларнинг фикрларини инобатга оларди, қўллаб-қувватларди. Самарқанд давлат университетига энг кўп келган вилоят ҳокими ҳам, қўшимча бинолар ажратган ҳам, профессор-ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказган ҳам шу киши.

Шавкат Мирзиёев академик Ботирхон Валихўжаевни жуда қадрларди, хурмат қиларди. Домла университет хиёбонидан Регистондаги уйига пиёда кетаётганида бир неча марта хизмат машинасидан тушиб олим билан мулоқот қилган. Ботирхон Валихўжаевга вафотидан кейин “Буюк хизматлари учун” ордени берилиши ташаббускори бўлган.

**Хадича ВАФОЕВА,**
**меҳнат фахрийси:**

*— Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятида ишлаган кезларда турмуш ўртоғим, марҳум Ботирхон Валихўжаев билан маслаҳатлашар, суҳбат қурар, жуда ҳурмат қиларди. Ҳаётлик вақтларида кўп ғамхўрликлар кўрдик. Энг муҳими, бу эътибор домла дунёдан ўтганидан кейин ҳам давом этмоқда. Маънавий ва моддий кўмак учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чексиз миннатдорлик билдираман. Бир воқеани эслагим келди. 2017 йилда Самарқанд шаҳрида трамвай йўлининг очилиш тадбирига мени ҳам таклиф қилишди. Маросимда Президентимиз билан учрашдим. Ушбу мулоқот давомида ҳам мамлакатимиз раҳбари домлани эслади. Оиламиз, яшаш шароитимиз билан қизиқди. Эртаси куни вилоят мутасаддилари Президент совғаси бўлган машинани менга топширишди. Мана, инсон қадри, марҳум зиёли олимнинг оиласига ҳурмат! Қолаверса, Президентимиз топшириғига биноан вилоят ва шаҳар ҳокимлари менинг ва фарзандларимнинг ҳолидан доимо хабардор бўлиб туришади, домлани хотирлаб келишади. Бунинг учун миннатдорман.*

Вилоятнинг таниқли зиёлилари доим Шавкат Мирзиёевнинг ёнида бўлган. Улар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Нурмамат Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Иброҳим Раупов, таниқли соғлиқни сақлаш ташкилотчиси Шодиёр Бегимқуловни эслаб ўтиш мумкин.

**Наргиза АБДУЛЛАЕВА,**
**Самарқанд давлат тиббиёт университетининг даволаш ишлари бўйича проректори, 1-клиника бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

*— Отам Нурмамат Абдуллаев 1993 — 2019 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникаси бош шифокори лавозимида фаолият кўрсатган. Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятида раҳбар бўлган йилларда отамни ҳам шифокор, ҳам олим, ҳам инсон сифатида жуда қадрлаган. Клиника моддий-техник базасини яхшилашга кўмаклашган. Отам “тиббиёт ходимига бундай ғамхўрлик қилган раҳбарни кўрмаганман”, деб айтарди. У кишининг меҳридан қувват оларди. Шавкат Мирзиёев отамга то умрининг охиригача эҳтиром кўрсатди, эъзозлади. Отамга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” унвони ва “Фидокорона хизматлари учун” ордени берилишида ҳам у кишининг хизмати катта. Ўзбекистонда бугун инсон ҳаётлигида ҳам, оламдан ўтганидан сўнг ҳам эсланади, хизматлари эътироф этилади...*

Шавкат Мирзиёев самарқандликлар қалбида маърифатпарвар, маънавияти юксак раҳбар сифатида намоён бўлади. У киши вилоят ҳокими бўлиб ишлаган даврда собиқ тузум, мустақилликнинг илк даврида чала қолган, қурилмай ташлаб қўйилган шифохона, мактаб, мактабгача таълим муассасаси бўладими — барчасининг қурилиши учун маблағ топиб, битказиб, халқимиз ихтиёрига топширган эди.

Буюк мутафаккир Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек: “Миллат учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир”. Буюк жадид мактабни беҳудага нондан кейинги ўринга қўймаган. 2001 йилгача 3-4 йил Самарқанд вилоятида қурғоқчилик бўлган. Бунинг оқибатида чорасиз қолган раҳбарлар мактаб ўқувчиларига “ғалла солиғи” солишганди. 1-синфлар 1 кг., 2-синфлар 2 кг. буғдой олиб келиб, давлатга топширган.

2001 йил серёғин бўлиб, деҳқончилик бароридан келди. Шавкат Мирзиёев тарихда биринчи марта режадан ташқари бўлган ғалланы фермернинг ўзига берди. Одамларнинг уйи ғаллага тўлди. Инсонларда давлат ва мустақилликка ишонч пайдо бўлди. “Ғалла солиғи” деган мудҳиш амалиёт ҳам унутилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ошди.

Самарқанд вилояти пахта, ғалла етиштириш режасини мамлакатда биринчилардан бўлиб уддалади. Ҳеч кимга сир эмаски, ўша пайтда иқтисодиёт айнан қишлоқ хўжалигига боғланганди. Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида, туман марказларида қатор иншоотларни барпо этишга бош-қош бўлди. Тўғрисини айтганда, ўшанда янги бинолар қурилиши одамларнинг тушига ҳам кирмасди. Ҳамма қорин ғамида эди. Фақат 2001 йилга келибгина одамларнинг қалбида шижоат уйғонди.

Мустақилликдай муқаддас туйғунинг тақдири номаълум бўлиб турган йилларда келажакка ишонч уйғотган шахс, Янги Ўзбекистон меъмори Шавкат Мирзиёевга самарқандликларнинг алоҳида меҳрини, муҳаббатини айтгим келади.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига 2 йилу 3 ой 6 кун раҳбарлик қилди. Тарих учун бу давр ниҳоятда қисқа. Ишончим комилки, мана шу вақт ичида Шавкат Мирзиёев ўзи учун 1 кун ҳам яшагани йўқ. Бу инсон ўшанда бутун ҳаётини, ёшлик, куч-қудратини Самарқандга, самарқандликларга бахшида этган эди.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ҚАРДОШЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

1 — Ҳатай заминида бунёд этилган гўзал масканларга “Шавкат Мирзиёев бульвари”, “Ўзбекистон маҳалласи”, “Тошкент” ва “Самарқанд” кўчалари, “Ўзбекистон қардошлик парки” каби номлар берилиши ва “Бухоро жоме масжиди”нинг фаолият юритиши халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди М. Масатли.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон вилоятлари ва Ҳатай ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар борлигини, Хоразм ва Ҳатай ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали ҳудудлар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш мумкинлигини қайд этди. Мустаҳкам шериклик алоқаларининг ривожланиб бориши Ўзбекистон ва Туркия халқларини янада яқинлаштиришга хизмат қилиши уқтирилди.

Учрашув очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ УЙҒУНЛИГИ

1 Қонунчиликка кўра, афв муайян маҳкумга нисбатан индивидуал тартибда қўлланадиган инсонпарварлик актидир. У маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этиши, жазони енгилроғи билан алмаштириши ёки судланганликни олиб ташлаши мумкин. Айни пайтда афв шахсни оқламайди ва жиноят содир этилгани фактини бекор қилмайди. Бу жиҳат ниҳоятда муҳим: давлат қонун устуворлигидан чекинмайди, бироқ ўз қилмишини англаган ва ҳаётини ўзгартиришга тайёр инсонга ишонч эшигини очади.

Сўнгги йилларда афв этиш амалиёти давлат сиёсатининг изчил инсонпарвар йўналишига айланди. 2017 йилда мамлакатимиз тарихида илк бор 2 700 нафар маҳкум афв этилгани бу борада мутлақо янги босқични бошлаб берди. 2016 — 2021 йилларда афв билан боғлиқ 17 та фармон қабул қилинган. Ушбу фармонлар асосида кечирилганларнинг 2 647 нафари жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган. Кейинги йилларда ҳам бу эзгу амалиёт муҳим байрамлар ва қутлуғ саналар арафасида давом эттирилди.

Албатта, бу жараённинг аҳамиятини фақат йиллар кесимидаги рақамлар билан баҳолаб бўлмайди. Муҳими, ҳар бир қарор замирида инсонни эшитиш, унинг хатосидан чиқарган хулосасини баҳолаш ва жамиятга қайтиш имкониятини аниқ мезонлар асосида кўриб чиқиш амалиёти қарор топмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистонда “инсон — жамият — давлат” тамойили суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам амалий мазмун касб этаётганини кўрсатади. Айни пайтда афв қилишда индивидуал ёндашувнинг устуворлиги жамоат хавфсизлиги ва қонунийлик манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди. Маҳкумнинг қилмишидан пушаймонлиги, хулқ-атвори, тузалиш йўлига ўтгани, оилавий ва ижтимоий ҳолати каби омилларни пухта ўрганиш қарорнинг ҳам инсонпарвар, ҳам асосли бўлишига хизмат қилади.

Афв билан инсоннинг янги ҳаёти бошланади, аммо давлат ва жамиятнинг вазифаси шу ерда тугамайди. Озодликка чиққан шахсни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, иш билан таъминлаш, касб ўрганишига кўмаклашиш, зарур тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, оилавий муносабатларини тиклаш фармоннинг инсонпарварлик самарасини белгилайдиган асосий шартлардир.

Чунки жамиятга қайтган инсонни бефарқлик, ишсизлик ёки турли тўсиқлар қаршиласа, берилган имкониятнинг таъсири сусаяди. Аксинча, маҳалла, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамжиҳат ишласа, кечаги маҳкум бугун оиласига таянч, ҳалол меҳнат қиладиган ва жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган фуқарога айланиши мумкин.

Мустақилликнинг ўттиз беш йиллик йўли бизга бир ҳақиқатни янада теран англатди: тараққиётнинг энг ишончли ўлчови инсон тақдиридаги ижобий ўзгаришдир. Қонунлар, институтлар ва ислоҳотлар инсонга хизмат қилгандагина ўзининг тўлиқ маъносини топади. Навбатдаги афв фармони ҳам ана шу эзгу сиёсатнинг амалий ифодасидир. Унда давлатнинг адолатли қатъияти ҳам, халқимизга хос кечиримлилик ва бағрикенглик ҳам мужассам. Энг муҳими, бу қарор адашган инсон учун чин дилдан пушаймонлик ва тузалишга интилиш ҳаётида янги саҳифа очиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Афв афв этилган ҳар бир шахснинг вазифаси — берилган имкониятни қадрлаш, яқинлари ва Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этиб яшаш бўлса, давлат ва жамиятнинг бурчи уларни четга сурмасдан, соғлом ҳаётга қайтишига кўмаклашишдан иборат бўлмоғи лозим. Ана шунда инсонпарварлик адолатни заифлаштирмайди, аксинча, унинг кучини ва ҳаётий таъсирини янада оширади.

**Жаҳонгир ШИРИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

**Халқаро анжуман**

# АЛОҚАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

*24 — 26 август кунлари Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Умумий келажак, Осиёнинг янги саҳифаси: Осиё мамлакатлари ягона тақдир ҳамжамиятини барпо этиш” мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашди.*

Унда кўплаб мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, ХХРнинг вазирлик ва идоралари раҳбарлари, дипломатик корпус вакилларидан иборат 200 дан ортиқ кишилар иштирок этди.

Конференциянинг очилиш маросимида Содиқ Сафоев Ўзбекистонда Янги Ўзбекистонни барпо қилиш доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлади. Хусусан, Марказий Осиёда сўнгги йилларда шаклланган яқин қўшничилик ва ҳамкорлик муҳити алоҳида эътироф этилди. Кенг Осиё минтақасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, анжуман доирасида қатор хорижий делегациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Бутунхитой Халқ вакиллари кенгаши раиси ўринбосари Ван Дунмин билан бўлиб ўтган учрашувда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки мамлакат раҳбарлари белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Ўз навбатида, Бутунхитой Халқ вакиллари кенгаши делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш имконияти ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари сўнгги йилларда юқори босқичга кўтарилгани қайд этилди. Ван Дунмин бунда икки мамлакат раҳбарларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади.

Хитой Ижтимоий фанлар академияси президенти Гао Сян, Пекин университети ректори Гао Сун ҳамда Цинхуа университети ректори Ли Лумин билан бўлиб ўтган учрашувларда эса Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Хитойнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги истиқболли йўналишларни белгилаш юзасидан фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ қонунлар муҳокама қилинди.*

**Сенат қўмитасида**

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига киradиган хизматларни кўрсатиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Мазкур қонун “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларга фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми давлат ҳисобидан кўрсатилишини ҳамда уларнинг малакали тиббий хизматга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни назарда тутади.

Муҳокама чоғида тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги кадрларнинг малакасини баҳолаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш орқали тиббий хизматларнинг кафолатланган барқарор даражасини ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ушбу қонуннинг 12-моддасида манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад қилиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланиши назарда тутилмоқда.

Шундан сўнг “Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамага тортилди.

Сенаторлар қонун Сенатнинг 17-ялпи мажлисида рад қилиниб, Келишув комиссияси томонидан қайта ишланганлиги, билдирилган эътирозлар тўлиқ инобатга олинганини қайд этди.

Ушбу қонун маҳаллий фармацевтика корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, соҳага технологиялар трансферини жорий этиш, соғлиқни сақлаш амалиётида ҳужайра технологияси асосида ишлаб чиқарилган биотехнология воситаларини қўллаш ҳамда тиббий буюмлар импорти ва экспорти ҳажмларини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мажлис якунида муҳокама этилган қонунларни навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига киритиш юзасидан қўмита қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАЛАБАЛАР ТУРАРЖОЙЛАРИ НАВБАТДАГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

*Янги 2026/2027 ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Мазкур жараён барча таълим ташкилотларидан катта тайёргарлик ва масъулиятни талаб қилади. Айниқса, олий ўқув юртлари талабаларини тураржой билан таъминлаш муҳим вазифалардан.*

**Ўрганиш**

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов ҳамда сенатор Гулнора Маъруфова Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб, янги ўқув йилига тайёргарлик жараёни ҳамда талабалар яшаши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Ўрганиш давомида талабалар ётоқхоналаридаги мавжуд инфратузилма, яшаш хоналари, маиший ва санитария шароитлари, хавфсизлик масалалари, шунингдек, талабаларни тураржой билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Қайд этилганидек, университетда жами 12 та талабалар тураржойи мавжуд бўлиб, улардаги ўринлар сони 6 466 тани ташкил этади. 2025 йилда давлат-хусусий шериклик асосида 1 000 ўринли янги талабалар тураржойи фойдаланишга топширилган, шунингдек, 240 ўринли талабалар ётоқхонаси қайта таъмирланган. Бугунги кунда талабаларни тураржой билан қамраб олиш даражаси 30 — 35 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунга қадар талабалар тураржойларига жойлашиш учун 5 157 та ариза келиб тушган. Талабаларни белгиланган мезонлар асосида жойлаштириш ҳамда ушбу жараёнда уларга амалий кўмак бериш мақсадида университет ҳудудининг икки нуқтасида ёрдам кўрсатиш марказлари — инфокиосклар ташкил этилган. Уларга 84 нафар тютор, 13 нафар декан ўринбосари ҳамда 255 нафар волонтёр талаба масъул қилинган.

Шунингдек, талабаларни муқобил тураржой билан таъминлаш мақсадида университет масъуллари томонидан 362 та ижара хонадони белгиланган ва уларда 8 430 нафар талабани жойлаштириш имконияти мавжуд.

Ўрганиш давомида университетда таҳсил олаётган 3 620 нафар хорижий талабани тураржой билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Хорижий ва маҳаллий талабаларнинг тураржойга эҳтиёжини қоплаш учун университетга яқин олий таълим ташкилотларидаги бўш ўринлардан фойдаланиш, шунингдек, хостеллар ва ижара хонадонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Сенаторлар ўрганиш жараёнида аниқланган масалаларга эътибор қаратиб, талабалар учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш, мавжуд камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, тураржойларга жойлаштириш жараёнини шаффоф ва тизимли ташкил қилиш, талабаларнинг хавфсиз яшаши учун зарур шароитларни таъминлаш бўйича тавсиялар берди.

**«Халқ сўзи».**

**Сўнгги ўн йилда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларига 160 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, умумий қиймати 76 млрд. долларлик 2 163 та йирик саноат лойиҳаси ишга туширилди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси мустақиллик йилларида мамлакатни инновацион ривожлантириш, соҳалар ва тармоқларга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасидаги ислоҳотларда парламентнинг иштироки масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказди.*

Унда мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мамлакатни инновацион ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва мазкур соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда рақамли трансформация давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларини тўлиқ қамраб олди. Шунингдек, замонавий норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Ушбу жараёнларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Қонунчилик палатасининг мазкур соҳадаги фаолияти, асосан, қонунчилик асосларини шакллантириш, соҳавий институционал тузилмаларни ривожлантириш ҳамда қабул қилинган қонунлар, давлат дастурлари ва стратегиялар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш каби учта асосий йўналишда намоён бўлмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида “Электрон ҳукумат тўғрисида”, “Киберхавфсизлик тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Почта алоқаси тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Космик фаолият тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ҳамда “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрирлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, инновацион ривожланиш бўйича ҳам 10 га яқин қонунлар қабул қилинган. Жумладан, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонун инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, янги ғоялар, кашфиётлар ва илмий ишланмаларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш учун ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлади.

Парламент нафақат қонунлар ижодкори, балки уларнинг ижросини таъминловчи муҳим назорат органи ҳисобланади. Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси, таълим, тиббиёт соҳаларида рақамли технологияларни жорий этиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масалаларининг ижроси юзасидан ижро ҳокимияти вакиллари иштирокида “ҳукумат соати”, парламент эшитувлари ўтказилиб, парламент сўровлари юборилмоқда.

Муҳокама давомида инновацион ривожланиш ва рақамли трансформация йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича яхлит қонун қабул қилиш, киберхавфсизлик ва шахсга доир маълумотлар муҳофазасини янада кучайтириш ҳамда рақамли хизматлар сифатини ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни изчил такомиллаштириш, рақамлаштиришга йўналтирилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда мавзуга оид долзарб масалалар ҳам муҳокама қилиниб, улар юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси билан ҳамкорликда “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ижроси ҳолатини назорат-таҳлил тартибида Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказди.*

# ЎСИМЛИК ДУНЁСИ МУҲОФАЗАСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, экологик тизимлар ва табиий мажмуаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳит, айниқса, ўсимлик дунёсини асраш, тиклаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, соҳада қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Депутатлар ўрганишлари давомида Қорақалпоғистон Республикасида қонун ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилгани аниқланди. Жумладан, 34 турдаги ўсимлик бўйича давлат кадастри маълумотлари шакллантирилган. 2024 — 2026 йиллар давомида ҳудудда 9 та тадбиркорлик субъекти томонидан 2 784,75 гектар қизилмия плантациялари ташкил этилган.

Ҳудудда умумий майдони 3 707 832,95 гектар бўлган 7 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мавжуд бўлиб, уларда ўтказилган ўрганишлар натижасида 962 турдаги ўсимлик аниқланган.

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор хомашёсини йиғиш ва тайёрлаш учун ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилиб, тасдиқланган квоталар доирасида белгиланган тартибда бериб келинган.

Орол денгизининг қуриб қолган туби ва бошқа чўл ҳудудларида эса ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш, чўл экотизимларини тиклаш ҳамда ўсимлик дунёсининг табиий равишда такрор кўпайиши ва тикланиши учун қулай шароитлар яратишга қаратилган биотехник тадбирлар ўтказилган.

Дарахт ва буталарни кесишга оид мурожаатларни Давлат хизматлари марказининг интерактив портали орқали қабул қилиш ва уларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилган.

Муҳокама давомида ўсимликлар ҳақидаги кадастр маълумотларини мунтазам янгилаб бориш, уларни электрон шаклда юритиш ва мониторинг тизими билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, доривор ва иқтисодий аҳамиятга эга ўсимликлар, жумладан, қизилмия захираларини муҳофаза қилиш ва дарахтларни ноқонуний кесишнинг олдини олиш бўйича назоратни кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# БУНЁДКОРЛИК ВА ЮКСАЛИШ ТИМСОЛИ

*Байрамлар халқ ҳаётига энг ёрқин ва унутилмас онларни муҳрлайди. Айниқса, Ватан мустақиллиги шарафига бағишланган айёмлар ўтган йўлга назар ташлаш, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш баробарида, эртанги кунга ишонч ва юксак мақсадлар билан қадам қўйиш учун ўзига хос фурсатдир.*

**Фикр**

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Президентимиз иштирокида ҳудудларда янги объектларни ишга туширишга бағишланган маросим ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодасига айланди. Қарийб 50 триллион сўмлик 72 та йирик саноат ва сервис лойиҳаси ҳамда 91 та ижтимоий соҳа объектининг фойдаланишга топширилиши юртимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ва янгиланишлар кўламини яна бир бор намоён этди.

Ушбу рақамлар замирида юрт иқтисодиётининг ўсиши, янги иш ўринлари, аҳоли фаровонлиги ва ҳудудларнинг тараққиёти мужассам. Янги қувватлар мамлакатимизнинг саноат салоҳиятини юксалтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислоҳотларнинг ҳаётдаги самарасини ҳам яққол намоён этмоқда.

Сўнгги ўн йил Ўзбекистон тараққиёти тарихида туб бурилишлар даври сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон қадрини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

Президентимиз таъкидлаганидек, сўнгги ўн йил мамлакатимиз тарихида янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш босқичи сифатида муҳрланди.

Рақамлар ҳам бу жараён кўламини яққол кўрсатиб турибди. Ўтган даврда иқтисодиёт ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. Тармоқларга 160 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилинди. Умумий қиймати 76 млрд. долларлик 2 163 та йирик саноат лойиҳаси амалга оширилиб, қарийб 6 млн. нафар аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эътиборлиси, бугун инвестиция оқими билан бирга иқтисодиётнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгариб бормоқда. Илгариги хомашё етказиб беришга асосланган ёндашув ўрнини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қиймат яратиш ва тайёр маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш тамойили эгалламоқда. Янги корхоналарнинг ҳар бири янги технология, замонавий касб ва муносиб даромадли меҳнат имкониятларини ҳам юзага келтирмоқда. Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган лойиҳаларнинг кўлами ва тармоқлар қамрови ниҳоятда кенг.

Жорий йилнинг ўзида 1,7 млрд. долларлик 56 та йирик замонавий саноат ва сервис объекти иш бошлаб, 8,8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, бюджет маблағлари ҳисобидан мактаблар, боғчалар, шифохоналар, автомобиль йўллари, ичимлик суви ва канализация тармоқларини барпо этиш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Янги объектлар энергетика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, металлургия, автомобилсозлик, электротехника, қурилиш материаллари, тоғ-кон, тўқимачилик ва енгил саноат каби иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини қамраб олган.

Масалан, Сирдарё вилоятида 1 573 мегаваттли электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати, Қорақалпоғистон Республикасида 200 мегаваттли шамол электр станцияси ва 100 мегаваттли энергия сақлаш тизими ишга туширилгани мамлакатда электр энергиясига ўсиб бораётган талабни қондириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Барпо этилаётган замонавий мактаб, боғча, олий таълим муассасаси, шифохона ва кутубхона ҳам жамиятнинг эртанги кунига киритилаётган энг муҳим инвестициядир. Янги ўқув йили арафасида ижтимоий соҳада 36 та болалар боғчаси, 43 та мактаб, 7 та олий таълим муассасаси ва 3 та шифохона фойдаланишга топширилгани, аввало, аҳоли учун таълим ва тиббий хизматлар қамрови ҳамда сифатини оширишга замин яратади. Янги Тошкент ҳудудида жаҳон стандартлари асосида 10 гектар майдонда барпо этилган Янги Ўзбекистон университети, аввало, замонавий билим ва технологияларни пухта эгаллаган, халқаро миқёсда рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади. Зеро, бу ерда 7 минг нафар талаба учун таълим олиш имконияти яратилган.

Эътиборлиси, университетда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда янги таълим дастурлари йўлга қўйилмоқда. Гарвард университети билан ҳамкорликда Ректорлар мактаби фаолияти ташкил этилган. Оксфорд университети билан биргаликда давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича “Таълим хаби” очилади. Бу, ўз навбатида, мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва ёшларни замонавий билим ҳамда касбларга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги бунёдкорлик, шубҳасиз, эртанги тараққиётимиз гаровидир. Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилган 163 та объектни бир жиҳат бирлаштиради: уларнинг ҳар бири юрт тараққиётига, инсон манфаатларига ва келажак авлод фаровонлигига хизмат қилади. Саноат корхонаси янги иш ўрни яратади. Энергетика объекти янги ишлаб чиқаришлар учун имконият очади. Мактаб ва университет билимли авлодни тарбиялайди. Шу маънода, бугунги бунёдкорлик ишларини эртанги Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилаётган улкан жараён сифатида баҳолаш мумкин.

**Ҳилола ЮСУПОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЖАҲОН МЕДИАСИ НИГОҲИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган “Ислом цивилизацияси: янги нигоҳ — янги кашфиётлар” халқаро медиафоруми Ватанимизни яна бир бор жаҳон ахборот майдонининг диққат марказига олиб чиқди.*

**Форум**

Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган етакчи ОАВ раҳбарлари, журналистлар, ҳужжатли кино ижодкорлари, олимлар, ноширлар ва рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларини бир майдонга жамлаган форум тарихий меросни замонавий медиавоситалар орқали дунёга янгича талқинда етказиш борасида муҳим мулоқот майдони бўлди.

Анжуман доирасида ўтказилган ялпи мажлислар, тақдимотлар, ижодий учрашувлар ва муҳокамалар Ўзбекистоннинг бой илмий-маърифий мероси, буюк алломаларимиз қолдирган бебаҳо хазина ҳамда мамлакатимизда бу меросни асраб-авайлаш, халқаро миқёсда тарғиб этишга қаратилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка намоён қилди.

27 август куни анжуман иштирокчилари Самарқандга ташриф буюрди. Дастлаб улар буюк муҳаддис Имом Бухорий мажмуаси ва илмий-маърифий масканлар билан танишди. Меҳмонларга улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва илмий мероси, унинг ислом оламидаги беқиёс ўрни, шунингдек, мажмуада амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди. Шундан сўнг иштирокчилар Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда мажмуаси ва бошқа диққатга сазовор масканлар билан танишди. Бу ташриф хорижий медиа вакилларига Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданий меросини бевосита ҳис этиш, уни ўз аудиториясига янги нигоҳ билан тақдим қилиш имконини берди.

Қуйида халқаро медиафорум иштирокчиларининг таассурот ва фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Клаус ШТРУНЦ,**
**«Euronews» бош ижрочи директори ва таҳририят директори:**



— Ушбу халқаро медиафорумда иштирок этиш мен учун катта шараф. Кўплаб янги таассурот ва билимларга эга бўлдим. Анжуманнинг энг муҳим жиҳати турли мамлакатлардан келган журналистлар, медиа вакиллари ва экспертларни бир майдонда жамлаб, тарих, маданият ва замонавий тараққиёт ҳақида очиқ мулоқот учун имконият яратганидир.

Бундай форумни мунтазам ўтказиб, уни янги мавзулар ва иштирокчилар билан бойитиб бориш муҳим. Шу орқали ислом цивилизациясининг бой тарихи, унинг бугунги аҳамияти ва келажакдаги ўрни халқаро аудиторияга янада кенг ва замонавий шаклда етказилиши мумкин.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази менда катта таассурот қолдирди. Бу нафақат ўзига хос меъморий иншоот, балки мамлакатнинг бой илмий, маданий ва цивилизацион меросини намоён этадиган муҳим маърифий макон. Марказ ўтмишни бугунги тараққиёт ва келажак ҳақидаги қарашлар билан боғлаш имконини беради.

Биз Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, бугунги ривожланиши ва келажакка интилишини бир бутун ҳикоя сифатида дунёга кўрсата оламиз.

**Имрон АҲМАД,**
**«CNN»нинг Марказий Осиё ва Африка бўйича минтақавий вакили:**

— Медиафорум Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида дунё жамоатчилигига маълумот етказиш учун муҳим платформага айланди. У мамлакатнинг бой мероси, тарихи, буюк алломалари ва замонавий тараққиётга қўшган ҳиссаси билан яқиндан танишиш имконини берди.

Ўзбекистон заминида шаклланган, аммо дунё аҳли ҳали тўлиқ билмайдиган кўплаб буюк ғоя ва кашфиётлар бор. Хоразмийнинг илмий мероси бунинг ёрқин мисоли. Бугунги рақамли технологиялар асосида турган “алгоритм” тушунчаси ҳам унинг номи билан боғлиқ. Бундай форумлар ана шу меросни халқаро аудиторияга кенг етказиш учун жуда муҳим.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва узоқни кўзлаган қарашларисиз тасаввур этиш қийин. 2017 йилда илгари сурилган бу ғоя бугун мамлакатнинг тарихи, мероси ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини дунёга танитадиган муҳим масканда ўз ифодасини топди. Бугунги қутблашиб бораётган дунёда бундай ташаббуслар ўзаро англашув ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса қадрли.

**Аҳмад Ҳилол БУСАИДИЙ,**
**«Oman TV» телеканали янгиликлар дастури бошловчиси:**

— Форумда ажойиб муҳит ҳукмрон бўлди. Унда кўплаб таниқли ва нуфузли телеканаллар, медиа вакиллари қатнашгани Ўзбекистон ҳақидаги ахборотни дунёга кенг тарқатиш учун катта имконият яратди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бизни мафтун этди. Бу ерда улкан тарих ва бой билим мужассам. Форум ана шу меросни, шунингдек, бу ерда амалга оширилаётган ишлар ва яратилаётган имкониятларни халқаро жамоатчиликка кенг намойиш қилди.

Ўзбекистон ислом цивилизациясини фақат ёзма тарих сифатида эмас, балки бугун ҳам инсонларга маърифат, нур ва тинчлик улашаётган тирик мерос ўлароқ кўрсатмоқда. Форумда кўрганларимдан сўнг мамлакат ўз тараққиёт йўлидан дадил бораётганига ва Марказий Осиё учун муҳим ўрин тутаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ЎҚУВГА — ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА 2027 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 19 февралдаги 70-сон қарорига мувофиқ олий таълимдан кейинги ўқувга қабул **2026 йил 15 сентябрдан 15 октябрга қадар бўлиб ўтади.**

**Талабгорлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича ҳужжат топширишлари мумкин:**

— **07.00.09** — Давлат сиёсати ва бошқаруви тарихи;
— **08.00.19** — Давлат бошқарувининг иқтисодий асослари;
— **12.00.17** — Давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари;
— **22.00.05** — Давлат сиёсати ва бошқаруви социологияси;
— **23.00.06** — Давлат сиёсати ва бошқаруви асослари.

**Ҳужжатлар Ягона электрон тизим (https://daraja.ilmiy.uz) орқали онлайн топширилади.**

**Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагиларга эга бўлган талабгорларнинг ҳужжатлари қабул қилинади:**

■ магистр даражаси, олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича);
■ диссертация режасининг муфассал лойиҳаси;
■ ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда босилган 3 та мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар тўпламларида чоп этилган 3 та тезис;
■ хорижий тил сертификати “B2” даражаси — миллий ёки халқаро.

**Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагиларга эга бўлган талабгорларнинг ҳужжатлари қабул қилинади:**

■ фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даража;
■ диссертация режасининг муфассал лойиҳаси;
■ ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда босилган 5 та мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар тўпламларида чоп этилган 5 та тезис;
■ хорижий тил сертификати “B2” даражаси — миллий ёки халқаро.

**Академияда таянч докторантура ва докторантурага қабул қилиш бўйича танлов ҳар бири 100 балли баҳолаш тизимига асосланган қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:**

■ биринчи босқич — талабгорлар мутахассислик фанларидан имтиҳон (ёзма, оғзаки, тест) топширади;
■ иккинчи босқич — талабгорлар диссертация режасининг муфассал лойиҳасини тақдимот қилади.

Қабул комиссияси талабгорларнинг диссертация режасининг муфассал лойиҳасини 100 балли тизимда баҳолайди.

**Академияда таянч докторантура ва докторантурага қабул қилиш бўйича танлов** ўтказиш санаси ва бошқа маълумотлар “https://dsba.uz/uz” сайтига жойлаштирилади.

**Батафсил ва қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
71-239-12-98, 71-239-49-02.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй.

**Эндиликда «Ватан таянчи» отрядининг аъзосига, «Ватанпарварлар» ҳамда «Шижоат ва ғайрат» мусобақаларининг республика босқичи ғолибларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилади.**

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 28 август

# ТАРИХИЙ ЙЎЛ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий ва тарихий сана сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бу, аввало, босиб ўтилган тараққиёт йўлини холис баҳолаш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш, мавжуд имкониятларни аниқ белгилаш ҳамда келгуси ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳақида теран фикр юритиш учун яхши имкониятдир.*

## Юксалиш одимлари

Ўттиз беш йил — тарих нуқтаи назаридан жуда узоқ давр эмас. Аммо шу қисқа вақт ичида мамлакатимиз жуда кўп ютуқларни қўлга киритди. Бугун Янги Ўзбекистонни дунё танияпти. Эришилган муваффақиятлар замирида бошқа муҳим соҳа ва тармоқлар ривожи билан бирга, илм-фан ҳамда таълим-тарбия ётади.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим ҳамда илм-фан соҳасига эътиборнинг кучайиши тараққиётимизнинг асосий таянчи бўлди, десак, муболаға эмас. Таълим тизимини модернизациялаш, олий таълим қамровини кенгайтириш, илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, ёшларнинг хорижий тиллар ва замонавий технологияларни эгаллаши учун имкониятларни кенгайтириш — буларнинг барчаси мамлакатнинг узоқ муддатли юксалиши учун хизмат қилади.

Эндиги масала таълимга кўпроқ ёшларни жалб қилиш билан бирга, уларга рақобатдош билим бериш, илм-фанни реал иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт билан боғлаш, университетларни билим ва инновация марказларига айлантиришдан иборат бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаси фақат диплом берадиган ташкилот эмас. Замонавий университет — илм-фан, таълим, инновация, маданият ва жамият тараққиёти кесишадиган интеллектуал макон. Фарғона давлат университетининг кўп йиллик тарихи ҳамда илмий-педагогик салоҳияти бизга ана шу вазифаларни янада юқори даражада бажариш имконини беради. Бугун университет олдида турган асосий вазифа — замонавий билимга эга, мустақил фикрлайдиган, касбий жиҳатдан рақобатбардош, жамият олдидаги масъулиятини англайдиган ва ўз соҳасида янги қиймат ярата оладиган мутахассисларни тайёрлаш.

Бунинг учун университетда таълим сифати биринчи ўринда туриши керак. Жараён замонавий меҳнат бозори талабларига мослашиши, илм-фан билан таълим ўртасидаги алоқа кучайтирилиши, талабаларнинг тадқиқотчилик қобилияти ривожлантирилиши, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти қўллаб-қувватланиши зарур.

Айни пайтда муассасанинг жамиятдаги ўрнини ҳам кенгайтириш муҳим. Университет ўз ҳудудидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни илмий таҳлил қиладиган, амалий таклифлар ишлаб чиқадиган, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлайдиган ва ёшлар учун янги имкониятлар яратадиган марказ бўлиши лозим.

## Шонли тарихдан ёрқин келажакка

Дарҳақиқат, шонли 35 йиллик йўл бизга ўтган даврни якунлаш учун эмас, янги даврни мазмунан белгилаш учун берилган тарихий имкониятдир. Биз бугун ўтмишга боқиб, нималарга эришганимизни кўрамиз. Айни чоғда истиқболдаги вазифаларни ҳам аниқ белгилашимиз керак.

Келгуси ўн йилликларда Ўзбекистон қандай давлатга айланади? Иқтисодиёти қай даражада ривожланади? Қайси университетлар ва илмий мактаблар шаклланади? Дунёда рақобатлаша оладиган мутахассислар салмоғи қанча бўлади? Ўз технологияларини ярата оладиган корхоналар сони ошадими? Ёшлар учун қандай янги имкониятлар очилади?

Бу саволларнинг жавоби бугунги қарорларимизда шаклланмоқда. Шу маънода, мустақилликнинг 35 йиллиги — тарихий натижа билан келажак мақсадлари туташадиган нуқта. Ўз навбатида, кейинги ўн йилликлар эса биздан давлат бошқарувининг янги сифатини, иқтисодий тараққиётнинг кучли моделларини, таълим ва илм-фаннинг салмоқдор натижаларини талаб қилади.

Фарғона давлат университети жамоаси учун мустақилликнинг 35 йиллиги яна бир муҳим маъно касб этади. Биз университетни мамлакат тараққиётининг умумий жараёнларидан ташқари тасаввур қила олмаймиз. Юрт равнақи қандай бўлса, университет олдидаги вазифалар ҳам шундай ўзгаради. Бугун олийгоҳда фақат яхши мутахассис тайёрлашнинг ўзи етарли эмас. Биз янги билим яратадиган, истиқболли ғояларни илгари сурадиган, илмий ва ижтимоий муаммоларга ечим таклиф қиладиган, иқтисодиёт ва жамиятнинг реал эҳтиёжларига жавоб берадиган интеллектуал муҳитни шакллантиришимиз зарур.

Таълим муассасамиз ўзининг илмий-педагогик салоҳияти, кўп тармоқли таълим йўналишлари ва катта жамоаси билан бу вазифаларни бажариш учун зарур имкониятларга эга. Энди асосий масала — улардан унумли фойдаланиб, янада юқори натижаларга эришиш. Биз учун университет тараққиётининг асосий мезонлари аниқ: таълим сифати, илмий натижа, замонавий кадрлар тайёрлаш, инновация, халқаро ҳамкорлик, талабаларнинг касбий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда ҳудуд тараққиётига амалий ҳисса. Бу мезонлар олийгоҳнинг нафақат бугунги, балки келгуси ўн йилликлар стратегиясини ҳам белгилаши керак.

Ҳар қандай ислоҳотнинг натижаси, алалоқибат, инсон омилига бориб тақалади. Давлат қанчалик яхши дастурлар қабул қилмасин, агар уларни амалга оширадиган профессионал кадрлар бўлмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Шунинг учун кейинги тараққиёт босқичида профессионализм масаласига янада катта аҳамият беришимиз керак.

Ўз соҳасини чуқур биладиган мутахассис, ўз ишига масъулият билан қарайдиган раҳбар, янгиликка очиқ олим, сифатли таълим берадиган педагог, замонавий технологияларни эгаллаган муҳандис ва ташаббускор тадбиркор — буларнинг барчаси мустақил мамлакат тараққиётининг реал таянчлари.

## Тараққиёт бир-бирини тўлдирувчи жараёнлар тизими

Замонавий ватанпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири ҳам ана шунда. Ўз касбини пухта эгаллаш, юқори натижа учун интилиш, жамиятга фойда келтирадиган иш қилиш, билим ва тажрибасини юрт тараққиётига сафарбар этиш — мустақиллик қадрини амалда намоён этишнинг энг таъсирчан шакллари.

Келгуси тараққиётнинг бир нечта асосий йўналишларини белгилаш мумкин. *Биринчидан*, инсон капиталини ривожлантириш давлат сиёсатининг марказида туриши керак. *Иккинчидан*, таълим ва илм-фанни иқтисодий тараққиёт билан янада чуқур боғлаш зарур. *Учинчидан*, инновация ва замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга эътиборни кучайтириш лозим. *Тўртинчидан*, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий ташаббус ва тадбиркорлик учун кенг имкониятларни таъминлаш муҳим. *Бешинчидан*, ҳудудларнинг мавжуд интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур. *Олтинчидан*, университетларни минтақавий тараққиётнинг интеллектуал марказларига айлантириш керак. *Еттинчидан*, ёшларнинг билим, касб ва инновацион фаолият учун имкониятларини янада кенгайтириш зарур.

Мазкур вазифаларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки уларнинг барчаси муттасил ривожлантириб борилсагина кутилган натижага эришамиз. Яъни тараққиёт бир-бирини тўлдирувчи жараёнлар тизимидир.

Бугун мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири мамлакатнинг инсон, билим ва технологияга таянган тараққиёт моделини янада кучайтиришдир. Бизга келгуси даврда катта мақсадлар, аниқ стратегия ва профессионал ижро керак. Бизга билимли ёшлар, кучли университетлар, самарали илм-фан, рақобатбардош иқтисодиёт ва ўз соҳасида юқори натижа кўрсата оладиган мутахассислар зарур.

Энг муҳими, бизга ўз келажагини ўзи белгилай оладиган, ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқарадиган ва тараққиёт учун масъулиятни ҳис қиладиган жамият лозим.

Таъкидлаш жоизки, бугун таълим фидойилари олдида турган вазифалар жуда улкан. Булар — масъулиятни ҳис этган ҳолда, янги авлодлар зиммасига истиқлол улуғ неъмат эканини муносиб тарзда етказиш, уларга сифатли таълим ҳамда кенг имкониятлар бериш, мамлакатимизнинг интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай бўлиши бугунги қарорларимизга боғлиқ. Чунки бугунги таълим — эртанги кадр, бугунги илм — эртанги технология, инвестиция — иқтисодий салоҳият, масъулият эса келгуси натижа билан бевосита боғлиқ.

Мустақилликнинг 35 йиллиги ана шу ҳақиқатни яна бир бор англаш, келажакка янада катта ишонч билан қараш ва янги тараққиёт босқичи учун янги мақсадларни белгилашга даъват этади. Бу сана ўтмишга берилган баҳо эмас, келажак учун масъулиятни яна бир бор ҳис қилиш имконияти. Ва биз бу масъулиятни қанчалик чуқур англасак, мустақилликнинг кейинги йиллари шунчалик мазмунли, тараққиётимиз янада самарали ва келажак авлодлар олдидаги бурчимиз муносиб адо этилган бўлади.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**
**Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

РЕКЛАМА

# КЎП МИЛЛАТЛИ ЖАМОАНИ БИРЛАШТИРГАН БАЙРАМ

*Давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни нима ҳақиқий шерикликка айлантиради? Инвестициялар ва кўп километрли инфратузилмами ёки замонавий технологиялар ҳамда халқаро тажриба?*

*Албатта, буларнинг барчаси муҳим. Аммо рақамлар билан ўлчанмайдиган яна бир нарса борки, бу — ишонч. Шундай ишончки, унда тил тўсиқ бўлмайди, ҳамкасбингизнинг қувончи эса сизнинг ҳам байрамингизга айланади.*

Бугун Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари тараққиётнинг янги босқичини бошдан кечирмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда, энергетика, қурилиш, тоғ-кон саноати, логистика ва таълим соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилаётир. Ва ҳар бир шундай лойиҳа ортида жамоалар — турли маданият, тил ва касбий тажрибага эга одамлар турибди. Улар нафақат бирга ишлашни, балки бир-бирини касбий тилда англашни ҳам ўрганмоқда.

Ана шундай мисоллардан бири “Asia Trans Gas” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасидир. 18 йилдан ортиқ вақт давомида бу ерда икки давлат мутахассислари ёнма-ён меҳнат қилиб, тажриба, технология ва натижа учун умумий масъулиятни бирлаштириб келаётир.

Мазкур компания Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақасининг энергетика инфратузилмасини ривожлантиришда, соҳани модернизация қилишда қатнашиб, мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиш билан бирга, бир неча йилдан буён хизматлар соҳасидаги йирик солиқ тўловчилар қаторидан ўрин оляпти.

Таъкидлаш жоизки, “Asia Trans Gas”да Ўзбекистон ва Хитойнинг муҳим байрамларини биргаликда нишонлаш яхши анъанага айланган. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида корхонанинг бош офисида ўтказилган “Менинг она юртим” деб номланган тадбир ана шу дўстликнинг амалий ифодасидир. Нега айнан “Менинг она юртим” деб номланди? Чунки она Ватан ҳар ким учун туғилиб ўсган юртидан бошланади.

Ходимларни “Asia Trans Gas” МЧЖ ҚК бош директори Лю Чжигуан ва бош директорнинг биринчи ўринбосари Миржалол Азизов табриклади. Раҳбарлар Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини, қўшма корхонанинг мамлакат тараққиёти ва йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қўшган ҳиссасини алоҳида қайд этиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг узоқ муддатли йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги мустаҳкам муносабатларнинг аҳамиятини таъкидлади.

Қўшма корхонанинг турли бўлинмалари вакиллари ўзлари туғилиб ўсган ҳудудлари ҳақида ижодий тақдимотлар тайёрлади. Шу тариқа оддий корпоратив зал бир неча соатга мамлакат бўйлаб саёҳат йўналишига айланди: Қорақалпоғистон Республикаси ва қадимий Хоразмдан Фарғона водийси орқали Қашқадарё ва Сурхондарёгача.

Ходимлар қуруқ маълумотлар билан чекланиб қолмади. Улар буюк аждодлари, оилавий анъаналар, қадимий шаҳарлар ва ҳунармандчилик, маҳаллий лаҳжалар ҳамда урф-одатлар ҳақида самимий сўзлаб беришди. Ўзбекистон географиясини ҳар бир ҳудуд дастурхони орқали ҳам ҳис этиш мумкин эди: қорақалпоқ бўғирсоқлари, Хоразм нонлари ва тухумбарак, Қашқадарёнинг тандир гўшти, Қўқон ҳолваси, Қува анорлари ва Хоразм гурваклари ана шулар жумласидандир. Экранда ҳудудлар манзаралари алмашинар, қизиқарли фактлар янграр, викториналар ўтказиларди. Айниқса, хитойлик ҳамкасблар уларда жуда фаол иштирок этди.

Тадбирнинг асосий ғояларидан бири ҳам айнан шу эди: чет эллик ходимларга Ўзбекистон ҳақида шунчаки сўзлаб бериш эмас, балки уларга мамлакатни ўз ҳамкасблари кўзи билан кўриш имконини яратиш.

“Мен Ўзбекистонда уч йилдан буён яшаб, ишлаб келмоқдаман ва Мустақиллик кунини ҳамкасбларим билан учинчи марта бирга кутиб олмоқдамиз. Бу йил мамлакат ҳудудлари билан анча яқиндан танишишга муваффақ бўлдим ва илк бор анъанавий Хоразм таоми — тухумбаракни татиб кўрдим. Мен Ўзбекистон тарихи ва маданиятига қизиқаман, шунинг учун викторина давомида деярли барча саволларга тўғри жавоб бера олдим. Фурсатдан фойдаланиб, хитойлик ҳамкасбларим номидан Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 35 йиллиги билан табриклайман”, деди корхона ходими Гао Яцзюнь.

Шу билан бирга, “Истиқлол” болалар рақс ансамблининг чиқишлари ҳар бир ҳудуд маданияти ва фольклорининг нақадар бой эканини намоён қилди. Сўнг география саҳнадан дастурхонга кўчди. Байрам минтақавий палов фестивали билан давом этди. Турли рецептлар, таомлар, анъаналар ва битта умумий дастурхон. Шу куни ходимлар ва меҳмонлар анъанавий Самарқанд зиғир оши, Андижон девзира палови ва Тошкент тўй ошидан татиб кўрди. Ҳар бир таъм ўзига хос бўлиб, муайян ҳудуд ва унинг аҳолисига хос бетакрорликни акс эттирарди.

“Asia Trans Gas” жамоасида яна бир анъана ҳам борки, у таржимага муҳтож эмас. Чунки футболни таржимонсиз ҳам тушуниш мумкин.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида минтақавий станциялар ва маъмурий бўлинмалар ходимлари Бухорода минифутбол мусобақасида учрашади. Навбатдаги мусобақалар 80 нафардан ортиқ ходимларни бирлаштирди. Икки кун давомида жамоалар бош соврин учун ҳаяжонли, қизғин, аммо дўстона руҳда кураш олиб борди. Майдонда ҳам ишда бўлгани каби ўзаро ҳамжиҳатлик, шерикни қўллаб-қувватлаш ҳамда бир бутун бўлиб ҳаракат қилиш қобилияти ғалаба қозонди. Эҳтимол, бундай тадбирларнинг асосий маъноси ҳам айнан шундадир.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Хитойни иқтисодиёт, энергетика, инфратузилма ҳамда йирик стратегик лойиҳалар боғлаб туради. Аммо мамлакатлар ўртасидаги энг мустаҳкам кўприклар фақат пўлат ва бетондан қурилмайди. Худди минг йиллар аввал, Буюк Ипак йўли даврида карвонлар Хитойдан Бухоро ва Самарқандга, у ердан яна орқага қайтар экан, йўл-йўлакай мовий гумбазли ҳамда маҳобатли минорали шаҳарлар ҳақида афсоналарни олиб юрганидек, бугун ҳам бундай кўприклар ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳамжиҳатликдаги меҳнат, бир-бирининг маданиятига қизиқиш ҳамда минглаб оддий инсоний алоқалар асосида қурилмоқда.

“Asia Trans Gas”да бу, айниқса, яққол сезилади. Хитойлик ва ўзбекистонлик мутахассислар бирга ишлайди, мураккаб вазифаларни биргаликда ҳал қилади, бирга футбол ўйнайди, ҳамкасбларининг кичик Ватани билан танишади ҳамда бир дастурхон атрофида жам бўлади. Зеро, ҳақиқий ҳамкорлик икки томон ҳужжат имзолаган пайтда эмас, балки “шерик” деган сўз аста-секин “дўст” деган сўзга айланган паллада бошланади. Барчамиз учун қадрдон бўлган Ўзбекистон, мустақиллик айёминг муборак!

**«Asia Trans Gas».**

**Янги ўқув йилидан Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим ташкилотларида биринчи сменадаги ўқув машғулотлари соат 08:00 да бошланади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни —20.50 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6